ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

• № 64 (10.641).

1994 йил
31 август
чоршанба

Сотувда
эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

## БУЮК БАЙРАМ БИЛАН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР !



## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

29 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг Европа ва Ҳамдўстлик мамлакатлари департаменти директори Антон Круидеринкни қабул қилди.

Суҳбатда БМТ билан Ўзбекистон ўртасида тобора ривожланаётган кўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари атрофлича муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳаллий мутахассислар тайёрлаш, ишбилармонликни ҳамда хусусий секторни ривожлантириш, хусусийлаштиришни жаҳон талаблари асосида амалга ошириш ва атроф-муҳит муҳофазасини яхшилашда техникавий ёрдам кўрсатиш борасидаги дастурларини маъқуллади.

Антон Круидеринк самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар тез орада ривож топишига умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик иштирок этди.

**(ЎзА).**

## *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА*

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган куннинг уч йиллиги муносабати билан Сизни самимий қутлаб, мамлакатингизга фаровонлик ҳамда халқингизга бахтли ҳаёт тилайман.

Германия мамлакатингизда ўтказилаётган ислоҳотларни ҳайрихоҳлик ва қизиқиш билан кузатиб турибди. Ўтган бир йил мобайнида Германия билан Ўзбекистон халқлари ва муассасалари ўртасида турли соҳалар бўйича ўрнатилган алоқалар анча мустаҳкамланди. Мамлакатларимиз ва халқларимиз равнақи йўлидаги ўзаро муносабатларимиз бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига ишончим комил.

**Роман ХЕРЦОГ,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти.**

## ВИЛОЯТИМИЗДА ШОДИЁНАЛАР

### шаҳар ва туманларда мустақилликнинг уч йиллиги арафасида бунёд этилган янги майдонлар ва хиёбонларда ўтади

***• Шаҳарлар, туманлар ва туман марказларига кираверишда — дарвозаларнинг элликка яқини ободонлаштирилди, атрофлари кўкаламзорлаштирилди.***

***• Тўқсонга яқин автобекатлар, салкам 140 та савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектлари миллий меъморчилигимиз асосида қурилди ва безатилди.***

***• Бинокорлар 834 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаб, иккита шифохона, гўдаклар учун сут ошхонаси ва бошқа қатор биноларни байрамга совға қилдилар.***

Мустақиллигимизнинг уч йиллик байрами олдидан шаҳарларимиз, қишлоқларимиздаги майдонлар, кўчалар, дам олиш масканлари, истироҳат боғлари байрамона жозиба касб этди.

Вилоятимиздаги барча шаҳарлар ва туман марказларига кираверишда-дарвозалари барпо этилди ёки мавжудлари қайтадан қурилди. Уларнинг кўрсаткичлари ўзгартирилди, нақшинкор безаклар берилди.

Автомобиллар бекатларида ҳам ургутликлар тажрибаси асосида катта ҳажмдаги қайта қурилиш ишлари амалга оширилди. Бекатлардаги савдо шоҳобчалари халқимизнинг қадимий меъморчилиги асосида безатилди.

Бундан ташқари, алоҳида жойлашган дўконлар, умумий овқатланиш корхоналари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ва бошқа объектлар ҳам янада кўркамлашди. Айниқса шаҳарлар ва қишлоқларнинг марказий майдонлари ва кўчаларида, гузарларида жойлашган мавжуд объектлар пештоқларининг меъморий қиёфаси гўзаллашди.

Мустақиллик айёми шодиёналари байрамона безатилган, тантанавор кўриниш касб эттан ана шу жозибали майдонларда, кўчалару хиёбонларда бошланиб кетди.

Шу билан бирга мустақиллик кунигача вилоятимизда қатор ижтимоий, маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар ҳам ишга тушди. Янги мактаблар ўқитувчиларни қабул қилди, шифохоналар кенгайди. Оҳангарон шаҳрининг жажжи фуқароларига хизмат кўрсатувчи яна бир объект — ҳар куни беш минг порция овқат тайёрловчи сут ошхонаси ҳам маҳсулот бера бошлади.

Умуман вилоятимизда шаҳар, туман марказлари ва қишлоқлардаги майдонлар, кўчалар, хиёбону истироҳат боғларини янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳамда шу каби объектларнинг ташқи кўринишини, айниқса пештоқини жозибалироқ қилиш, янгиларини қуриш бўйича бошланган бундай ишлар давом этаверади.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## РЕСПУБЛИКАДА ВАЛЮТА БОЗОРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ихтисослаштирилган валюта алмаштириш пунктлари ишининг натижалари республикада валюта бозорини шакллантиришнинг танланган йўналишлари тўғрилигини тасдиқламоқда. Миллий валютани ички эркин муомаладаги валютага алмаштиришга босқичма-босқич ўтиш учун зарур замин яратилди, бошқа мамлакатларнинг ижобий тажрибаси ҳисобга олинди.

Шу билан бирга эркин алмаштириладиган нақд валютани алмаштириш операцияларини ўтказиш ҳуқуқининг фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкининг ихтисослаштирилган пунктларига берилиши валютани алмаштиришнинг ресурс базасини торайтиради, банк тизими имкониятларини чеклайди.

Баён этилганлардан келиб чиқиб ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмашинувини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида" 1994 йил 21 июлдаги 379-сон қарорини ҳисобга олиб Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вакил қилинган тижорат банкларига 1994 йил 1 сентябрдан бошлаб жисмоний шахсларнинг нақд "сўм"ларини белгиланган тартибда ўзларида мавжуд бўлган валюта ресурслари доирасида эркин муомаладаги валютага алмаштиришни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакил қилинган банкларга, уларнинг тайёрликларига кўра, нақд "сўм"ларни ЭМВга алмаштириш бўйича ихтисослаштирилган пунктларни очишга рухсатномалар берсин.

3. Вакил қилинган банкларга хорижий валютага бўлган талаб ва таклифни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курсини ҳисобга олиб ихтисослаштирилган алмаштириш пуктларида алмаштириш курсини мустақил белгилашга рухсат этилсин.

4. Вакил қилинган банклар ихтисослаштирилган алмаштириш пунктларининг самарали ишлашини ташкил этиш учун мижозлар доирасини кенгайтириш ва юридик ҳамда жисмоний шахслар счётларига эркин муомаладаги валютани жалб қилиш йўли билан валюта ресурсларини кўпайтириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакил қилинган банкларнинг валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги норматив ҳужжатларга риоя қилишлари, шунингдек, мижозларга зарур шароитлар яратилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Вакил қилинган банклар ўтказилган валюта алмаштириш операциялари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ҳар ойда ҳисобот тақдим этсинлар.

Кўрсатиб ўтилган шартларга риоя этилмаган тақдирда Марказий банк тижорат банкларини ЭМВ билан алмаштириш операцияларини ўтказиш ҳуқуқидан маҳрум қилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**
**Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 27 август

## ТАШКИЛОТ ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИ

29 август куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги кунининг уч йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, ташкилот қўмитасининг раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда байрам муносабати билан қурилиш, ободонлаштириш ишларининг, 31 август ва 1 сентябрь кунлари мамлакатимиз пойтахтида ўтадиган байрамнинг маданий тадбирларига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Тегишли ҳокимлик, вазирлик ва ташкилот раҳбарларининг шу ҳақдаги ахбороти тингланди.

Серқуёш диёримизда мустақиллик кунига қизғин ҳозирлик кўрилаётгани, бу тайёргарлик ўзининг сўнгги палласига киргани, улуғ айёмни юксак савияда ўтказиш учун жойларда кўп ишлар қилингани таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, улуғ айём арафасида айниқса Тошкент ҳар қачонгидан ҳам файз, гўзаллик, унинг кўчалари ва хиёбонлари ўзгача тароват касб этди. Хусусан, шаҳарнинг Амир Темур ва Мирзо Улуғбек хиёбонларида амалга оширилган ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари кўзни қувонтиради.

Мажлисда Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари, Р. Юнусов, М. Шарифхўжаев, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов қатнашди.

**(ЎзА)**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮБИЛЕЙ ТАНГАСИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигини нишонлаш юзасидан 1994 йил 1 сентябрдан ҳар бирининг қиймати 10 сўмлик иккита юбилей тангаси муомалага чиқарилади.

Оқ рангдаги, қиймати 10 сўмлик юбилей тангаси Ag 99,9 пробали, вазни бир унция — 31,103 граммдан иборат кумушдан тайёрланган. Сариқ рангдаги юбилей тангаси мис-никел қотишмасидан тайёрланган бўлиб Au 99,9 пробали олтин (10 миллиграмм) билан қопланган, вазни 28,28 граммдан иборат.

Юбилей тангалари диаметри 38,6 миллиметрли доира шаклида бўлиб, юз ва орқа томонида айланасида бўртиқ ҳошия бор.

Юбилей тангаларининг юз томонида Амир Темурнинг Тошкент шаҳрида ўрнатилган ҳайкали тасвирланган, юқори қисмида "Toskent" ёзуви бўлиб, икки томонидан нуқта билан ажратилган. Қуйи қисмида ҳайкал айланаси бўйлаб "AMIR TEMUR HAYKALI" ВА "10 SOM" ёзувлари бор.

Юбилей тангаларининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири жойлашган, "OZBEKISTON MUSTAQILLIGININ 3 YILLIGI" ва "1994" ёзуви бор. Танганинг бутун айланаси бўйлаб нақш солинган.

Юбилей тангаларининг бўртган қисмлари тарам-тарам чизиқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан муомалага чиқарилаётган юбилей тангалари чекланган миқдорда бўлиб, нумизматик қийматга эга ва кимошди савдоси орқали ўз қийматидан юқори нархларда сотилади.



